

“Ўзкимёсаноат” АЖ ва Истроил ишбилиармон доиралари вакиллари ўртасида видеоконференция шаклидаги учрашув бўлиб ўтди

// 23 iyun 2021 йил

<https://special.uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/vks-israel>



Ўзбекистон Республикасининг Истроилдаги элчихонаси кўмагида “Ўзкимёсаноат” АЖ ва Истроил ишбилиармон доиралари вакиллари ўртасида видеоконференция шаклидаги учрашув бўлиб ўтди. Ушбу учрашув Истроил кимё, фармацевтика ва экология саноати уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ўзбекистон томонидан музокараларда “Ўзкимёсаноат” АЖ раҳбарияти ва мутахассислари, “Ўзкимёимпекс” МЧЖ раҳбарияти ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Истроилдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ф.Махмудова иштирок этди.

Учрашув Ўзбекистон Республикасининг Истроилдаги Фавқулодда ва Мухтор елчисининг кириш нутқи билан бошланди. “Ўзкимёсаноат” АЖ раҳбарияти томонидан мамлакатимизнинг кимё-технологик ўсиш салоҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари ва уларнинг кимё саноати ривожига, илмий-тадқиқот марказларини ташкил этиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашга ижобий таъсири тақдим этилди. Шунингдек, амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари, уларни амалга ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилгани ҳамда келгуси йилларда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.



Тадбирда Истроил томонидан уюшма раҳбарияти ва Истроилдаги саккизта кимё ва фармацевтика компанияларининг йирик ишлаб чиқарувчи вакиллари иштирок этди. Истроил томони Истроилнинг кимё саноатидаги ютуқлари, шунингдек, мамлакатнинг илмий-тадқиқот марказлари ва лабораторияларини ривожлантириш режалари ҳақида маълумот берди.

Бундан ташқари, Истроил томони Ўзбекистон билан кимё саноатидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканлигини, шунингдек, "Ўзкимёсаноат" АЖнинг инвестиция лойиҳалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали мамлакатимиз кимё саноатига инвестиция жалб қилишни кўриб чиқишга тайёрлигини билдириди.

Томонлар "Ўзкимёсаноат" АЖ инвестиция лойиҳаларини ҳамкорликда амалга ошириш имкониятларини кўриб чиқишга, ишлаб чиқариш ва энергия тежамкорлик, сув тозалаш тизимлари, шунингдек, илмий-тадқиқот ва таълим тизимларида тажриба алмашиш ҳамда мамлакатимиз кимёвий маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш борасида келишиб олдилар.

"Ўзкимёсаноат" АЖ Матбуот хизмати